O`zbekiston Respublikasi Namangan viloyati Namangan tumani hokimining QARORI

2022 - yil 30 - dekabr 654-6-82-Q/22 Namangan tumani hokimligi

Наманган туманида уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунинг 6, 25-моддалари, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 20 январдаги 18-сон қарори билан тасдиқланган “ Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондини давлат йўли билан ҳисобга олишнинг ягона тизими тўғрисида”ги низомнинг 12-бандига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1.Давлат кадастрлари палатаси Наманган вилоят бошқармаси Наманган туман филиалининг 2022 йил 28 ноябр куни туман ҳокими номига ёзган 704-сонли таклиф хатини маълумот учун қабул қилинсин.

2.Наманган туманида уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш тартиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3.Давлат кадастрлари палатаси Наманган вилоят бошқармасининг Наманган туман филиали ушбу қарорда белгиланган тартибга қатийриоя этилиши устидан назорат ўрнатсин.

4.Ушбу қарор “Истиқлол” газетасининг навбатдаги сонида расман эълон қилинсин ҳамда бир иш куни ичида ҳокимликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилсин.

5.Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6.Мазкур қарордан норози шахслар юқори турувчи органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

7.Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари (Ж.Акбаров.) зиммасига юклансин.

Туман ҳокими **С.Мўминов**

Namangan tuman hokimining
2022 yil 30 dekabrdagi
654-6-82-Q/22-son qaroriga
1-ilova

Наманган туманида уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар бериш

ТАРТИБИ

1. Ушбу тартиб Наманган туманида жисмоний ва юридик шахсларга (мулк эгалари ёхуд мулк эгасининг ишончномаси асосида ҳаракат қилувчи шахсларга), шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан (кейинги ўринларда “Инвентар йиғма жилд”) кўчирмалар ва нусхалар бериш тартибини белгилайди.

2. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилди уй ёки турар жой фойдаланиш учун қабул қилиб олинаётганда ёхуд турар жой уй-жой фондига киритилаётганда тузилади.

3. Инвентар йиғма жилддан кўчирмалар ва нусхалар мустақил ҳужжатларни ташкил этади.

4. Инвентар йиғма жилднинг нусхалари ва бошқа инвентаризация ҳужжатлари Давлат кадастрлари палатаси Наманган вилоят бошқармасининг Наманган туман филиали архивида, шунингдек, давлат архивларида сақланади.

5. Уй ва турар жойнинг инвентар йиғма жилдидан олинган маълумотлар айрим турларидан кўчирмалар ва нусхалар филиалнинг иш кунларидаги иш вақти давомида берилади.

6. Жисмоний ва юридик шахсларга инвентар йиғма жилддан нусхалар мурожаат (сўров) келиб тушган кундан бошлаб 2 иш куни давомида берилади.

7. Инвентар йиғма жилддан нусхалар филиал муҳри билан тасдиқланган ҳолда берилади.

8. Мулкдорнинг ёки унинг ишончномаси асосида ҳаракат қилувчи шахснинг, шунингдек, мулкдор меросхўрининг сўровига кўра Инвентар йиғма жилднинг нусхаси электрон шаклда тақдим этилиши мумкин.

9. Инвентар йиғма жилддан кўчирмалар ва нусхалар давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига бепул берилади.

10. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг мурожаатига асосан инвентар йиғма жилд вақтинча фойдаланиш учун 3 ой муддатгача тақдим этилиши мумкин.

11. Инвентар йиғма жилддан нусхалар бепул берилади, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

12. Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг Давлат реестридан электрон кўчирма бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 июлдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларининг давлат кадастри соҳасида давлат хизматлари нархларини белгилаш тартиби” ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 29 декабрдаги 1060-сон қарори билан тасдиқланган “Кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширилади.

13. Қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда инвентар йиғма жилддан нусхалар бериш Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.